

Омон МАТЖОН

ХАЛОСКОР РУҲ

Хожа Аҳрор Валий зиёратлари

Бадиҳа қисса

«NOSHIR»
ТОШКЕНТ — 2012

УДК: 821
ББК 84 (5У)6
М 31

Омон Матжон.

М 31 Халоскор руҳ: Хожа Аҳрор Валий зиёратлари: Бадиҳа қисса. / Омон Матжон. –Т.: «NOSHIR» нашриёти, 2012 й. 56 б.

УДК: 821
ББК 84 (5У)6

Буюк Шайх Хожа Аҳрор Валий ким бўлганлар?! Мана, беш юз йилдан зиёд вақтдан бери у киши ҳақида афсонавий-илоҳий ҳикоят-ривоятлар кўпайса кўпаядики, камаймайди.

Шўро даврида дурусгина қаламқашлар ҳам калтабин атеизмнинг худбин манфаатларидан келиб чиқиб, ул зоти шарифни қоралаб „улгурдилар“.

Бугун Ҳазрат Алишер Навоий ибораси билан айтганда, бу уфқлар ичра тоқ пири ҳақида аста-секин бўлса ҳам муҳим аниқ сўзлар айтилмоқда. Мавзу бирми-икки камгарин олимларимизнинг изланишлар доирасидан чиқиб, халқимиз эътиборига тушмоқда.

Омон Матжоннинг ушбу „Халоскор руҳ“ қиссаси ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан янгилик, шайхга бағишланган дастлабки бадий асарлардандир.

„Хожа Аҳрор Валий ўз даврида 25—30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириши, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириши орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. „Шайхлар шайхи“ деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шахзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аجدодларимизни бошимизга кўтаришига тайёрмиз“.

Ислом **КАРИМОВ**

КҮНГИЛ ОЛАМИГА ЗИЁРАТ

Маълумки, ўтган асрда, мустабид шўро тузуми даврида ўтмишимиз, миллий қадриятларимизга панжа орасидан қаралди. Вульгар социологизм — элу юрт тарихи, жумладан халқ маданияти, миллий ифтихорини белгилайдиган улуғ сиймоларга бир ёқлама муносабатда бўлиш, уларнинг тарихий ўрнини менсимаслик, номларини кўмиб, оёғости қилиш бу тузумнинг асл шакл-шамойилини кўрсатар эди. Фақат истиқлол туфайлиги тарихимиз кўксига ҳам шамол тегиб, қанчадан-қанча улуғ номлар, табаррук сиймоларнинг шону шарафи номуносиб маломатлар, чанг-ғуборлардан фориг бўлди. Биз бутун баралла „Она Ватан!“ демокдамиз, элимизнинг ор-номуси дея кўксимизни тўлдириб, фахру гурур билан сўйлаётирмиз. Бунинг боиси, албатта, истиқлолимиз шарофатидандир.

Бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда обрў-эътибор қозонган, етти иқлимда „Олам фақирлари ҳимоячиси“ унвонига етишган, бир эл, бир миллатнинг маънавий-маърифий тимсолига айланган улуғ шайх Хожа Аҳрор Валий ким бўлганлар? Шайх Абдураҳмон Жомий „Қаъбаи мақсуд“ деб улугланган, ҳазрат Алишер Навоий

„Тариқат кутби“ дебон тавозелар қилган, Бобур Мирзонинг тушларига кириб, фориғлик йўлини кўрсатган бу зоти шариф ҳақида, мана, салкам олти юз йилдан бери „афсонавий-илоҳий ҳикоят-ривоятлар“ халқ орасида мутгасил айтиб келинмоқда.

Мана бугун Ҳақ дея ўтган, халқ деб куйинган сиймолар учун ҳам ҳақ қарор топди. Ҳазрат Алишер Навоий иборалари билан айтганда, бугун уфқлар ичра тоқ пир ҳақида муносиб, аниқ сўзлар айтимлоқда. Дипда ҳам, сиёсатда ҳам энг аввало аҳилликни, халқпарварлик, сулҳпарварликни асосий мақсад деб билган Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг бугун ҳаёти, маслак ва эътиқоди айни шу эзгу амаллар йўлида сарф бўлди, ул зотнинг умри-ҳаёти, авлодлару наслларга ибрат бўлгуликдир.

Биз улуг ватанимизнинг истиқболига, авлодларнинг маънавий камолотига айнан шундай буюк аждодларимизнинг кўнгил ойнаси орқали қараймиз. Шу маънода таниқли ва заҳматкаш шоиримиз Омон Матжоннинг улуг аждодимиз ҳақидаги „Халоскор руҳ“ номли асари гоёт меҳр билан, юксак масъулият ҳам маҳорат билан ёзилганини, шакл ҳам мазмун жиҳатдан адабиётимизда бир янгилик эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мазкур асар, албатта, ўз-ўзидан ёзилган эмас. Муаллиф кўп тарихий манбаларни ўрганиб, ўз кечинмаларини кўнгил оловида пишитиб, катта меҳнат сарфланган. Шу сабабдан шоиримизнинг ушбу зиёратлари муборак бўлмай, деймиз, ўқувчиларни ҳам бу зиёратлардан баҳраманд бўлмоқларига тилакдошимиз.

Абдулла ОРИПОВ
Ўзбекистон халқ шоири



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4517> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4517> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4517>